Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№73 (422)
2020 йил 18 сентябрь, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ИНВЕСТИЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Россия Федерациясининг «ВЭБ.РФ» Давлат тараққиёт корпорацияси раиси Игорь Шувалов бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташрифи доирасида 17 сентябрь куни бир қатор тадбирларда иштирок этди.

«ВЭБ.РФ» корпорацияси ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, модернизация ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашадиган, 51 миллиард доллар активларга эга бўлган Россиянинг энг йирик тараққиёт институти ҳисобланади. «ВЭБ.РФ» кўмаги билан бугунги кунда Ўзбекистонда энергетика, металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида умумий қиймати 3,5 миллиард еврони ташкил этадиган 24 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Россия делегацияси аъзолари билан Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф буюрди.

Меҳмонлар дастлаб комбинат фаолияти билан яқиндан танишди. Хусусан, «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш жараёни ва мутахассислар томонидан олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Уларга лойиҳа ҳақида, хусусан, мазкур кон қуввати ҳамда лойиҳани ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича жорий ҳолат тўғрисида сўзлаб берилди.

Шундан сўнг ҳамкорлар улкан бунёдкорлик йўлга қўйилган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши, 1-мис бойитиш фабрикасида жадал давом этаётган асосий қувватларни реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастури доирасидаги ишлар, мис эритиш заводидаги аффинажланган олтин ва кумуш ишлаб чиқариш жараёни ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов И. Шувалов бошчилигидаги Россия ишбилармонлари ва давлат тузилмалари вакилларидан иборат бизнес миссияси билан учрашди.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик жадал ривожланаётганини таъкидлади. Турли даражадаги икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш орқали иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

«ВЭБ.РФ» раҳбарияти икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг кўп қиррали хусусиятини эътироф этиб, ишбилармонлар шериклигини мустаҳкамлаш, илғор саноат технологияларини жорий этиш ва барқарор кооперацион алоқалар ўрнатиш учун кенг имконият мавжудлигини таъкидлади.

Мулоқот давомида пандемия шароитида икки мамлакат иқтисодиёти биргаликда ишлаши нуқталарини аниқлаш, шунингдек, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, фармацевтика, машинасозлик тармоғида, шаҳар инфратузилмаси, туризм, ахборот-коммуникация технологиялари ва транспорт соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва қўшма лойиҳалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқотда Россия томонидан Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги, «ВЭБ.РФ» Давлат тараққиёт корпорацияси, «Россия экспорт маркази» АЖ, «BMB NRC AGROLOGISTICS», «Силовые машины», «Ростех», «Камаз», «Трансмашхолдинг», «МетПром», «Уралмашзавод», «Газпромбанк» каби Россиянинг етакчи компания ва банклари, Ўзбекистон томонидан эса вазирлик ва идоралар, тармоқ бирлашмалари, тижорат банклари раҳбарлари ва бизнес вакиллари иштирок этди. Ишлаб чиқилаётган қўшма инвестициявий лойиҳаларни, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, бизнес ҳамкорликни ошириш истиқболи муҳокама қилинди.

Россия ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида инвестиция, технология ва саноат кооперацияси соҳаларидаги ҳамкорликнинг юқори ривожланиш суръати ва кўлами таъкидланди. Масалан, «Силовые машины» АЖ айни пайт Сирдарё ва Фарҳод ГЭСлари электр блокларини модернизация қилиш ишларини амалга оширмоқда. «Ростех» давлат корпорацияси билан биргаликда Ўзбекистонда «Камаз» юк автомобилларини йиғиш ўзлаштирилди.

Мулоқот давомида Россия ишбилармонлари ўз компанияларининг технологик ва инвестициявий салоҳияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиб, Ўзбекистонда фаолиятни ривожлантириш бўйича фикр алмашди.

Энергетика, қишлоқ хўжалиги логистикаси, металлургия, транспорт ва таълим соҳаларида аниқ лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорликни янада кучайтириш, устувор тармоқ ва соҳаларда аниқ келишувларга эришишга қаратилган амалий ҳаракатлар келишиб олинди.

Давра суҳбати якунида «ВЭБ.РФ» Давлат тараққиёт корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан электрон хабарлар билан алмашиш шартлари тўғрисида битим ҳамда «Kamaz Asiya Leasing» қўшма корхонаси билан «Камаз» русумли автомобиль ва махсус техника сотиб олишни молиялаштириш бўйича кредит шартномаси имзолади.

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев билан ўтказилган учрашувда ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин бўлган истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди. Ҳоким россиялик меҳмонларни пойтахтимизда юз бераётган ўзгаришлар билан таништираркан, сўнгги икки йилда қурилиш ишлари кўлами 32 фоиз ўсганини маълум қилди. Инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилиб, бунда шаҳарни ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш устувор масала экани таъкидланди.

Хусусан, Россия томонига Янги ҳаёт тумани инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ҳамда «Дарё бўйи бизнес сити» мажмуаси, Логистика маркази сингари қатор лойиҳалар тақдим этилди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Тошкент металлургия заводида ҳам бўлди, шунингдек, «Россия экспорт маркази» АЖда Тошкент тиббиёт академияси симуляция маркази учун мўлжалланган ускуналар тақдимотида иштирок этди.

**Ғ. ХОННАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**




## МЎЙНОҚДА АЭРОПОРТ ҚУРИЛИШИ ЯКУНИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА






**Мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди – Мўйноқ туманида ҳам барча соҳаларда ислоҳотлар жадаллик билан бормоқда.**

Президентимизнинг 2018 йил ноябрь ойида ушбу туманга ташрифидан сўнг бу ерда яшовчиларнинг турмуш шароити бутунлай ўзгарди. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январда «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 31-сонли қароридан сўнг туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳаётга татбиқ этилди. Унга кўра, 2019-2021 йилларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Барча ишларни жадаллаштириш баробарида, қарийб 30 йилдан буён фойдаланилмаган, қаровсиз ҳолга келиб қолган «Мўйноқ» аэропортини қайта қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Дастлаб, аэропортнинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилгач, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Капитал қурилиш дирекцияси, «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси ҳамда «Шўрахон қурилиш-монтаж» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари ва ишчи-ходимлари томонидан 50 нафар йўловчига мўлжалланган VIP терминали қурилиши бошланди. Шунингдек, аэропорт атрофини металл конструкциялар билан ўраш ишлари ҳам олиб борилди.

– «Мўйноқ» аэропортини янгидан қурилиши туман транспорт инфраструктурасини ривожланиши, қолаверса, бу ерда яшаётган 30 мингдан ортиқ аҳоли учун жуда зарур эди, – дейди Капитал қурилиш дирекцияси раҳбари ўринбосари Шавкат Нурматов. – Янги аэропортнинг қурилиши айни муддао бўлди. Эндиликда бу ҳудудга ҳаво кемаси орқали нафақат республикамиз, балки хорижлик меҳмонларнинг келиб-кетишига ҳам халқаро талабларга мос шароит яратилди.

Терминал биносининг ташқи ва ички қисми миллий меъморчилик асосида пардозланди. Туманнинг континенталь об-ҳавосидан келиб чиқиб, бинонинг ички қисмида ёзда салқин, қишда иссиқ ҳарорат сақланиши таъминланган.

Мажмуа атрофидаги 3 861 квадрат метр майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Транспорт ҳаракати учун асфальт-бетон қопламасини ётқизиш ҳам сифатли бажарилди.

Айни пайтда «Мўйноқ» аэропорти шаҳарнинг энг кўркам ҳудудига айланиши баробарида, бу жойда сайёҳлар оқимининг ортиши ва туризм соҳасидаги ишларнинг янада ривожланишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ МАКТАБЛАРДА БОШЛАНДИ

**Янги ўқув йили бошланиши билан Фарғона шаҳрида жойлашган 42-умумтаълим мактаби биноси фойдаланишга топширилди.**







«426-хўжаликлараро ихтисослашган кўчма механизациялашган калонна» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилган мазкур таълим масканида ўқувчиларнинг замонавий таълим олиши учун барча шароит яратилган. 420 ўринга мўлжалланган мактабда спорт зал, мажлислар зали, ошхона, спорт майдони ва синф хоналари замон талаблари даражасидааги жиҳозлар билан таъминланди.

Мактаб директори Ж. Арслоновнинг айтишича, 204 нафар ўқувчи пандемия шароитида белгиланган санитария-эпидемиологик қоидаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда янги ўқув йилини бошлади. Бу йил мактабга 98 нафар биринчи синфга ўқувчилар қабул қилинди.

**Суратларда:** Фарғона шаҳрида жойлашган 42-умумтаълим мактаб.







**Наманган шаҳрида замон талаблари асосида барпо этилган янги 86-умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.**

«Стандарт қурилиш таъминоти» масъулияти чекланган жамият томонидан бунёд этилган таълим масканининг лойиҳа қиймати 8,5 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароит яратилган.

Янги ўқув йилида мактабга қабул қилинган 611 нафар ўқувчининг 344 таси анъанавий, яъни мактабга қатнаган ҳолда, 267 таси эса онлайн шаклда таълимни бошлади. 90 нафар ўқувчи 1-синфга қадам қўйди. Мактабда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг санитария-гигиена талабларига риоя этиши қатъий назоратга олинди.

**Суратларда:** Наманган шаҳрида янги барпо этилган 86-умумтаълим мактаби.

**ЎзА.**

ҲОКИМ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

**Самарқанд вилоятининг салоҳияти юксак, залвори катта туманларидан ҳисобланган Пайариқ ўзгаришлар, ривожланиш сари дадил одимлаяпти. Бугун унинг ҳар бир гўшасида яратувчилик ва бунёдкорлик, жўшқин ҳаёт нафаси ҳукмрон.**

Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, маданий-маиший соҳаларни тараққий эттириш шу мўъжаз Ватанни обод ва кўркам қилиш, турмуш шароитини яхшилаш томон бошлаётир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган янгиланишлар, саъй-ҳаракатлар инъикоси пайариқликлар ҳаётида акс этиб, ўз натижасини бериши муқаррар.

Буюк Ватандошимиз, ҳадис илми султони, мусулмон оламининг буюк алломаси Имом Исмоил ал-Бухорий мангу қўним топган туманимизнинг ўз тарихи, тақдири, тараққиёт йўли борки, бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мўътабар масканнинг ривожу равнақига муносиб ҳисса қўшган кўплаб оқил, доно, ўз касбининг билимдонлари, ишбилармонлар номини шараф билан тилга олиш мумкин. Меҳнаткаш халқимиз донгдор вакиллари эса азал-азалдан зироатчилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, дастурхон тўкинлиги - маъмурчиликни таъминлашган.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам мақтовга сазовор ишлар амалга оширилаётир. Аммо замон ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда, талаб ўсмоқда. Эндиликда тадбиркорликни ривожлантирмай, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқармай ёки йирик корхоналар ташкил этмай кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги яққол сезиляпти. Одамлар олдидаги масъулият, жавобгарлик шу туман келажаги учун яшашни, ишлашни тақозо қиляпти ва бу масъулият Президентимиз, республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги, айниқса, халқимизнинг назарини ҳис этган ҳолда фаолият юритишга ундаётир.

Мана, иккинчи йилдирки бу улуғ мақсад йўлида белни маҳкам боғлаб, жипслашиб қилинаётган юмушлар бугун ўз натижасини кўрсата бошлади. Қисқа фурсатда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва тадбиркорликни кенг қулоч ёздириш туфайли туманимизда 100 га яқин корхона ишга туширилди. «Tanais sharbat», «Парвина Анвар голд», «Пальмафайзсавдо», «Садафбизнессервис», «Prot slimtormer», «Temur triada Lux» каби ҚК ва МЧЖлар аллақачон маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Челак кичик саноат корхонаси ташкил этилгани кўплаб тадбиркорларнинг орзуси ушалишида муҳим омил бўлди. Улар туманимиз делегацияси таркибида Корея, Хитой, Туркия каби давлатларга ташриф буюриб, иш ўрганиб қайтаяптилар, муносиб шерикларни жалб қилаяптилар ва янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиряптилар.

Мисол учун дунёнинг иқтисоди ривожланган, саноат ишлаб чиқариш соҳалари етакчи бўлган Жанубий Кореяга ташриф давомида Сеул, Инчхон, Чунг Бук ҳудудлари ишбилармонлари фаолияти билан танишдик, Бизнес форум, тақдимотларда «Myung Sung Placon Ltd» компанияси билан 100 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуасини қуриш бўйича қиймати 50 миллион АҚШ долларлик меморандум имзоладик. «Doo Jin Corporation Co Ltd» компанияси билан туманимиздаги «Next Construktion» МЧЖ ўртасида иссиқхона мажмуасини қуриш бўйича 6 миллион АҚШ долларилик келишувга эришилди. 56 миллион АҚШ долларилик 2 та лойиҳа 2022 йилгача амалга ошириладиган бўлди.

Хорижий сармоядорларнинг маблағи ҳисобидан яна 5 та лойиҳа ишга тушиши мўлжалланмоқда. Булар натижасида 450 нафар аҳоли иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Хитойлик тадбиркорларнинг ёрдами билан тўғридан-тўғри инвестиция асосида Полвонариқ маҳалласида йилига 30 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш заводи қурилишини бошладик.

Тумандаги қурилиш-таъмирлаш, бунёдкорлик ишларининг кундан-кунга ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили шаҳарча чиройига чирой бўлган кўркам Ёшлар маркази ва кутубхонанинг фойдаланишга топширилиши барчани мамнун этди. Бандликка кўмаклашиш маркази, ободонлаштириш бўлими учун янги бинолар қуриб берилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида «Турки бола», «Янги ҳаёт», «Бирлашув» маҳаллаларида катта ҳажмдаги ишлар бажарилгани ҳам эътиборлидир. Туман марказидан анча олисда жойлашган Накрут қишлоғида ҳам аҳолига қулайликлар яратишга жиддий аҳамият қаратганмиз. Бу ердаги замонавий мактаб, МТТ, маданий-савдо иншоотлари қаторига тез ёрдам бўлимидан иборат ҚВП ҳам қўшилгани диққатга сазовор.

Айтиш жоизки, бу йил коронавирус пандемияси шароитида ишлаш пайариқликларга анча қийинчилик туғдирганини тан олиш лозим. Аммо бу иллат халқимиз иродасини буккан эмас. Шижоатли бинокорлар карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда яратувчилик меҳнатларини бир зум тўхтатмасдан, фидокорона ишлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Уларнинг саъй-ҳаракати билан айни пайтда тиббиёт бирлашмаси, бир нечта мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, давлат хизматлари маркази, прокуратура бинолари объектларида бунёдкорлик авжида. Масалан, «Chinor Building» МЧЖ жамоаси шифохона учун янги бино тиклаш баробарида қабул, юқумли касалликлар бўлимлари ва маъмуриятини сифатли таъмирдан чиқаряптилар. 78, 84, 3-умумтаълим мактаблари, 3, 19, 120-мактабгача таълим ташкилотларидаги реконструкция, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари ҳам лойиҳа асосида кўнгилдагидек давом этмоқда. Бунда «Юксалиш қурувчи плюс», «Қудрат», «Қобилқурувчисервис», «Пайариқ қурилиш сервис» каби МЧЖлар шаънига таҳсаннолар айтиш лозим, деб ҳисоблайман. Бинобарин шахсан ўзим давлат хизматлари маркази ва Оққўрғон маҳалласидаги мактабда олиб борилаётган қурилишлар билан танишиб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Дарвоқе, давлат хизматлари маркази учун барпо этилаётган бино ҳақида фахрланиб гапириш мумкин. Чунки у ўзига хос лойиҳа ва ечимга эга бўлиб, асосан замон талабларига жавоб берадиган энергия тежамкор, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган конструкция, сендвич панеллар, иссиқлик сақловчи плиталар билан бунёд қилинаётир, ғишт деярли ишлатилмаяпти.

Бундан ташқари, болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига қамровни ошириш борасида режали иш



юритаётганимиз туфайли давлат-шерикчилик шаклидаги МТТлар қуриш, уй боғчалари очишга эътибор кучайди.

Биз йўлларни таъмирлаш, электр, газ, ичимлик сув таъминотини яхшилаш масалаларига энг долзарб вазифа сифатида қараяпмиз. Юқорида айтганимдек, иқтисоддаги оқсаш сабабли бу соҳаларда анчагина муаммолар йиғилиб қолганини яширмайман. 15 минг хонадонга табиий газ етиб борган бўлса, 41 мингта уй маиший газ баллон билан таъминланган. Бу талаб тўла қондирилмаганини кўрсатиб турибди.

Одамларни қийнаётган муаммолардан яна бири тоза ичимлик суви ҳисобланади. Чунки 250 мингга яқин аҳолининг анча қисми ҳалигача очиқ сув ҳавзаларидаги оби ҳаётдан фойдаланишга мажбур. Туман умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва ички кўчаларнинг катта қисми таъмирталаб экани ҳам назардан четда эмас.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги юмушлардан бемалол қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Ўтган йили 1000 га яқин оила янги хонадонларга кўчиб ўтиб, уй тўйлари ўтказишган бўлса, жорий йилда 3 та тўрт қаватли кўп квартирали намунавий уй-жойларда иш қизғин кечмоқда. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Самарқанд филиали буюртмаси бўйича Янгиҳаёт маҳалласида қурилаётган бу уйлар асосан кам таъминланган оилаларга ажратилиши режалаштирилган.

Яна бир гап. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқилаётганлигидир. Мисол учун лалми ерларни ўзлаштириш, янги интенсив боғ ва токзор барпо этиб, эҳтиёжмандларга бериш яхши натижа беришини амалда исботладик. Айни пайтда яна 1 600 гектар ерни 3 200 кишига топшириш лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани айни муддаодир.

Хуллас, шашти, шижоати баланд пайариқликлар даврга ҳамоҳанг қадам ташлаб ҳаммага манзур бўладиган улкан ишларга қўл уришмоқда. Самарали меҳнат эса ҳар қандай юртни, инсонни ёрқин уфқларга элтиши ҳаётда ўз исботини топган. Буларнинг барчаси халқимизни порлоқ истиқболга чорламоқда, келажакка ишончини оширмоқда.

**Дилшод МУСИНОВ,**
**Пайариқ тумани ҳокими.**



## Янги корхона 30 кишини ишли қилди

**«Музработ Сифатли Тош» масъулияти чекланган жамияти Музработ тумани «Халқ йўли» маҳалласида жойлашган бўлиб, жорий йилнинг июль ойида ишга туширилди.**



Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 120 минг куб бўлган мазкур корхонада 30 кишининг бандлиги таъминланган. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларлик ишлаб чиқариш ускуналари Хитойдан келтирилди. Корхона майдаланган тош, қум, шағал каби қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳсулот ички бозорга етказиб берилмоқда.

**Суратларда:** корхонада.

**Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси**
**Автомобиль йўллари қўмитаси**
**«Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси»**
**Давлат унитар корхонаси**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | 4Р47 Булунғур ш. - Ургут ш. - М39 автомобиль йўлининг 53-60 км қисмини тўла таъмирлаш | 25 846 622 494 сўм ҚҚС билан | 28 ой |
| 2. | 4Р906 Қарши ш. - Бешкент ш. - Қамаши қ. - Касби қ. - Косон ш. автомобиль йўлидан Қарши аэропортига кириш автомобиль йўлининг 0-6 км қисмини тўла таъмирлаш | 18 301 402 898 сўм ҚҚС билан | 16 ой |

**Буюртмачи:** «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» Давлат унитар корхонаси.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмокчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари тендер савдоси предметининг 20 фоиздан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

**Тендер савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда тендер таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда тендер иштирокчиларининг тендер таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-«а» уй.

**Тел.:** (71) 244 12 17.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан (Абай кўчаси, 6-«а» уй. 705-хона) www.xarid.uzмахсус ахборот порталида кўрсатилган вақтга қадар қабул қилинади.

**Таклифларни очиш www.xarid.uzмахсус ахборот порталида эълон берилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 68-уй.

## «Denov Realtor Servis» масъулияти чекланган жамияти

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

Аукцион савдоларига Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати ва жамиятнинг 2020 йил 22 июндаги 3-сонли йиғилиш қарорларига асосан «Хайробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти бинолари тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

Денов тумани, «Боғи эрам» маҳалласида жойлашган «Хайробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти биноларидан умумий майдони – 750,0 квадрат метр, қурилишости майдони – 59,1 квадрат метр, фойдаланиш майдони – 53,07 квадрат метр бўлган 021-Литерли чойхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 30 558 665 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 19 октябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб Денов тумани, Мустақиллик кўчаси, 55-уйда бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2020 йил 16 октябрь куни, соат 17.00 гача. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан банк вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулклар 2020 йил 19 октябрь куни сотилмаган ёки савдо баённомасини имзолашдан бош тортган тақдирда, такрорий савдолари ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари бўлиб ўтади.

**Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Denov Realtor Servis» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 5464 6001 ТИФ Миллий банк Денов бўлими МФО 00845 СТИР 302 191 030.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:** Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

**Телефон/факс:** (76) 413-16-56.

Хизматлар лицензияланган.
*RR-0105-сонли лицензия.*

## «Qarshi yog'-ekstraksiya» aksiyadorlik jamiyati

**акциядорлари диққатига!**

«Qarshi yog'-ekstraksiya» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 9 октябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 1-уй манзили (жамият мажлислар зали)да ўтказилади.

**Кун тартиби:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Корхонани хом ашё билан таъминлаш ҳамда айланма маблағни тўлдириш мақсадида тижорат банкидан кредит олиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш.
3. «Qarshi yog'-ekstraksiya» АЖ бошқаруви раиси ва ўринбосарларини (тайинлаш) сайлаш.
4. «Qarshi yog'-ekstraksiya» АЖда 2020 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2020 йил 14 сентябрь ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2020 йил 5 октябрь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2020 йил 9 октябрь куни, соат 10.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил:** Қарши шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 1-уй.
**Тел.:** (75) 223-41-70.
**E-mail:** qarshimez@umail.uz

## «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 14/573-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Пушкин кўчаси, 22 уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

1998 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 101 QAA бўлган ТОЙОТА русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 86 825 980 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 28 сентябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносида ўтказилади.**

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 тўхтатилади.

Агарда юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2020 йил 28 сентябрь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 8 октябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.
**Тел.:** (61) 222-84-44.
**Расмий сайтимиз:** www.rmm.uz
*9506 рақамли гувоҳнома.*

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Поставка, установка и шеф-монтаж локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-04**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локальных очистных сооружений, строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа 10 единиц локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительства 9,096 км сетей канализации в сельской местности Андижанской области.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Андижанская область |
|---|
| **Банк:** Андижанский городской филиал АКБ «InFinBank»<br>**Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>**ИНН:** 202 453 348 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по указанному адресу в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью ___ $м^3$ | Протяженность сетей канализации (км) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| по Андижанской области | | **20** | **10** | **9,096** | | |
| ИБР-104 | Ханабадский | МСГ «Тейт» | | 0,090 | 4 месяца | 12 октября 2020 года, 15.00 |
| | | МСГ «А. Фитрат» | | 0,230 | | |
| | | **2** | | **0,320** | | |
| | Кургантепинский | Кургонтепа | | 0,770 | | |
| | | Корасув | 15 | 0,595 | | |
| | | **2** | **1** | **1,365** | | |
| | Асакинский | МСГ «Бобур» | | 0,345 | | |
| | | МСГ «А. Темур» | | 0,175 | | |
| | | МСГ «Улугбек» | | 0,080 | | |
| | | **3** | | **0,600** | | |
| | Шахриханский | Янги вахм | 50 | 0,470 | | |
| | | **1** | **1** | **0,470** | | |
| | Избасканский | Шарк юлдузи | 15 | 0,460 | | |
| | | А. Тиллабоев | 60 | 0,280 | | |
| | | **2** | **2** | **0,740** | | |
| | Алтынкульский | Намуна | 30 | 0,545 | | |
| | | **1** | **1** | **0,545** | | |
| **по Лоту** | **6** | **11** | **5** | **4,040** | | |
| ИБР-105 | Булакбашинский | Т. Рахимов | 60 | 1,213 | 4 месяца | 12 октября 2020 года, 15.30 |
| | | **1** | **1** | **1,213** | | |
| | Жалакудукский | А. Темур | 30 | 0,350 | | |
| | | Пахтакор | | 0,099 | | |
| | | **2** | **1** | **0,449** | | |
| | Ходжаабадский | Хужаобод | 15 | 0,930 | | |
| | | А. Набиев | | 0,575 | | |
| | | **2** | **1** | **1,505** | | |
| **по Лоту** | **4** | **5** | **3** | **3,167** | | |
| ИБР-106 | Балыкчинсий | Чинобод | 15 | 1,162 | 3 месяца | 12 октября 2020 года, 16.00 |
| | | **1** | **1** | **1,162** | | |
| | Мархаматский | МСГ «Бархаёт» | 15 | 0,055 | | |
| | | МСГ «Турон» | | 0,562 | | |
| | | МСГ «Узбекистон» | | 0,110 | | |
| | | **3** | **1** | **0,727** | | |
| **по Лоту** | **2** | **4** | **2** | **1,889** | | |

### Требования к участникам конкурсных торгов

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц, за последние 3 (три) года | Земляные работы в объёмах по крайней мере ($м^3$) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере ($м^3$) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | общей протяжённостью более __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Андижан** | ИБР-104 | 7 200,00 | 1 200,00 | 4 000,00 | 3 | 5 | 2 000 | 50 | 1 500 | 4 500 |
| **Андижан** | ИБР-105 | 5 000,00 | 900,00 | 2 700,00 | 3 | 3 | 1 500 | 50 | 1 200 | 3 500 |
| **Андижан** | ИБР-106 | 2 200,00 | 400,00 | 1 200,00 | 3 | 2 | 1 000 | 50 | 1 200 | 2 000 |

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-04**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС ёмкостью по 50 $м^3$ и строительства 2 349 п.м. сетей канализации в сельской местности Наманганской области *(**срок строительства составляет** – 4 месяца)*.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Наманганская область |
|---|
| **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22.<br>**Телефон:** (69) 227-94-30.<br>**Факс:** (69) 227-91-47. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Наманганская область |
|---|
| **Банк:** филиал Юксалиш АКБ «Hamkorbank»<br>**Р/с:** 2021 0000 8031 9675 2001<br>**ИНН:** 202 393 842 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10:00 до 17:00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по адресу, указанному в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-04 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 $м^3$ | Протяженность сетей канализации (п.м.) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| по Наманганской области | | | **1** | **2 349** | 4 месяца | 19 октября 2020 года, 14.00 |
| ИБР-96 | Нарынский | «Бузулмас» | 1 | 362 | | |
| | Чартакский | «Дустлик» | | 1 609 | | |
| | Янгикурганский | «Водий» | | 378 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц, за последние 3 (три) года | Земляные работы в объёмах по крайней мере ($м^3$) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере ($м^3$) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | общей протяжённостью более __ п.м. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Наманган** | ИБР-96 | 2800,00 | 500,00 | 1500,00 | 3 | 3 | 2000 | 100 | 1000 | 3000 |


## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога **«Асакабанк» АТБ Жиззах вилояти филиалининг** 2020 йил 17 сентябрдаги 4452/14-сонли буюртманомаси ва банк бошқарувининг 2020 йил 25 августдаги 281-сонли йиғилиш баёнига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Себзор» МФЙ, Сарбозор қишлоғи ҳудудида жойлашган **умумий ер майдони** – 400,0 квадрат метр бўлган Мини банк биноси. **Бошланғич баҳоси** – 249 041 000 сўм

Жиззах шаҳар Заргарлик маҳалласи ҳудудида жойлашган **умумий ер майдони** – 23,76 квадрат метр бўлган савдо дўкони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 97 005 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 20 октябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 19 октябрь куни, соат 18.00.

Қизиқиш билдирган талабгорлар мулк ҳақидаги маълумотлар билан Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласидаги Ёзги форум мажмуаси манзилида танишишлари мумкин.

Мазкур мулклар 2020 йил октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 27 октябрь, 3, 10, 17, 24 ноябрь, 1, 7, 15, 22, 29 декабрь кунлари юқоридаги манзилда, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади

**Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо ўтказилиш санасидан бир кун олдин, соат 18.00.

Савдога қўйилган бинолар билан тегишли банк вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

**Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2262 6000 8049 2060 9001 АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиали МФО 00122 СТИР 207 122 519.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

**Савдо ўтказиладиган манзил** Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Ёзги форум мажмуаси.

**Тел.:** (91) 941-68-07.

**Расмий веб сайт:** www.1kms.uz.

*Хизматлар лицензияланган. RR- 0001 сонли лицензия.*

# Янги йўл ўтказгич қурилиши бошланди

**Юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасини пойтахтимиз Тошкент шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Яккасарой туманида қурилиши бошланган 6 йўлакли 3 та йўл ўтказгич ва автомобиль йўли халқимизга янада қулайлик яратади.**



Бу борада Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчасидан Яккасарой туманининг кичик автомобиль ҳалқа йўли, Сергели туманидаги Тошкент ҳалқа автомобиль йўли ва Қипчоқ кўчалари оралиғида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Чўпонота кўприги қурилиши жаҳон стандартларидаги монолит оралиқ қурилмалар технологиясини қўллаган ҳолда олиб борилмоқда.

Халқимизда «Йўл қурмоқ – савоб, йўл юрмоқ – роҳат» деган нақл бор. Зеро, узоғимизни яқин қиладиган транспорт воситалари-ю, равон йўлларни барпо этиш, уларда шароитларни яратиш чиндан ҳам эзгу ва хайрли иш.

Янги барпо этилаётган кўприкнинг таянч устунлари 47 та, уларнинг баландлиги 13 метргача бўлиши мўлжалланган. Унинг эстетик жиҳатдан чиройли кўриниши учун устунларини махсус жиҳозлар билан безатилиши назарда тутилган. Тунги ёритиш тизими кўприкка аҳолининг эътиборини тортувчи замонавий кўринишни таъминлайди. Чўпонота кўпригининг умумий узунлиги 597 метрни, боғламалари билан биргаликда 950 метрни ташкил қилади. Унда пиёдалар ва велосипед учун йўлаклар ҳам назарда тутилган.

– Яккасарой пойтахтимизнинг марказий ва айни дамда аҳоли зич яшайдиган, айниқса, хорижликларнинг доимий ташриф буюрадиган туманларидан бири ҳисобланади, – дейди «GRAND ROAD TASHKENT» ҚК мутахассиси Даврон Мусаев. – Шу жиҳатдан қараганда ҳудудни ободонлаштириш, замонавий иншоотларнинг қад ростлаши, тошкентликлар ва меҳмонлар учун зарур қулайликларни яратиш, ички инфратузилмани ривожлантириш ўта муҳим масаладир. Айниқса, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг эркин, хавфсиз ҳаракатланишлари учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мазкур замонавий кўприкнинг умумий қиймати 280 миллиард сўмлик лойиҳа асосида дастлабки ишлари олиб борилмоқда. 8 та пойдевор деярли тайёр ҳолатга келтирилди. Шунингдек, юқори кучланишга эга бўлган чироқ устунларини кўчириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу



йўл ўтказгич келгуси йилнинг августида ниҳоясига етади. 3 та кўприкнинг оралиқ масофаси 42 метрни ташкил қилади. Аввалари, бу каби йирик иншоотларда оралиқ масофа 30-35 метрни ташкил этарди. Эътиборли жиҳати, авваллари бирон-бир бинода қурилиш ишларини амалга оширмоқчи бўлсангиз, темир-бетон конструкциялари махсус заводлардан тайёр ҳолатда келтириларди. Бу эса, кўпинча, ноқулайликларни туғдирган. Ҳозирги кунга келиб соҳа замонавийлашгани ва йўл қурилишининг тараққий этиб бориши натижасида металл конструкциялар шу ернинг ўзида исталган кўриниш, дизайн ва юқори мустаҳкамликда тайёрланмоқда. Табиийки бу, ишнинг самарадорлиги ошишида муҳим омилдир.

Эътироф этиш керакки, кўприк қурилишида туркиялик қурувчилар билан ҳамкорлигимиз яхши натижа бермоқда. Бугунги кунда компаниямиз хорижлик ҳамкасблар билан биргаликда Тошкент шаҳрининг Фарғона йўли кўчасида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, ушбу кўча тўлиқ замонавий кўринишда қайтадан қурилиб, қўшимча 2 та кўприк жойлаштириляпти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишларнинг асосий мақсади – инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир. Қурувчиларимиз, муҳандис ва йўлсозларимиз томонидан амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, одамларнинг ҳар кунлик режаларига, кайфиятига, соғлиғига таъсир қиладиган энг катта омил – транспорт тақсимотидир.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

**«Шаффоф қурилиш» электрон тизими – қурилишда сифат, самарадорлик ва коррупциясиз муҳитнинг юзага келишини белгилаб берувчи тизим.**

# ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ соҳа келажагини белгилайди



Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси ҳам ушбу тизимга интеграция қилинмоқда. Эндиликда буюртмачи ёки лойиҳа ташкилоти экспертизага қоғоз кўринишдаги хат билан мурожаат қилмайди. Катта ҳажмдаги лойиҳа-смета ҳужжатларини босмадан чиқармайди, камида ўндан зиёд альбомларни буюртмачига ортиқча вақт, маблағ сарфлаб кўтариб келмайди. Янги тизим орқали лойиҳа-смета ҳужжатларини тўғридан-тўғри «Шаффоф қурилиш» тизимига электрон кўринишда юбориши мумкин бўлади. Таниш-билишчилик, эҳтимолий коррупция ҳолатларининг олди олинади.

Куни кеча бўлиб ўтган ўқув семинарида «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУКнинг ҳудудий филиаллари мутахассислари ушбу тизимнинг имконият ва афзалликлари бўйича билим ҳамда кўникмаларини оширишди.

– Кўп вақт экспертизага сарфланарди, – дейди «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Сирдарё вилояти филиали директори Бўривой Гайимов. – Қурилиш жараёнлари бўйича ҳужжатлар тўлиқ ҳолда келгунига қадар ортиқча вақт сарфланарди ва кўплаб оворагарчиликларга сабаб бўларди. «Шаффоф қурилиш» тизими эса соҳада бир қатор қулайликларни яратди. Онлайн тарзда ҳужжатлар тўлиқ равишда бир вақтнинг ўзида келиб тушиши фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Янги тизим, ҳужжатлар тўлиқ бўлса, уни қабул қилади ва шундан сўнг тўловни амалга ошириш учун ҳисоб рақам автоматик равишда тақдим этилади. Бу билан эксперт ҳамда буюртмачи ўртасидаги мулоқот бўлмайди, инсон омили чекланади, эҳтимолий коррупция ҳолатларининг олди олинади. Фақат электрон ахборот алмашинув йўлга қўйилади. Белгиланган муддатдан ошмаган ҳолда хулоса олинади.

– Ҳужжатларни онлайн тарзда экспертизага тақдим этиш тизимини жорий қилиш орқали инсон омилини камайтиришни мақсад қилинган, – дейди «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК бўлим бошлиғи Эркин Шониёзов. – Ҳужжатларни жойлардан туриб, масалан, Нукус, Термиз ёки Андижондан қурилиш объекти ҳужжатлари топшириладиган бўлса, инспекторлар Тошкентга келиши шарт эмас. Улар ўзларининг ҳудудларидан туриб ҳужжатларни тизим орқали онлайн топшириш имкониятига эга. Ҳужжатларнинг хулосалари чиққач, албатта яна тармоқ асосида ана шу ҳудудга юборилади. Бу эса вақт ва сарф-харажатларнинг камайишига олиб келади. Яна бир муҳим жиҳат, бу эксперт билан буюртмачи ўртасидаги алоқанинг бартараф этилишига сабаб бўлади. Ҳужжатларни топширган буюртмачи қайси экспертиза қайси вилоят ҳудудида ўтказилаётгани тўғрисида маълумотга эга бўлмайди, аксинча, бу маълумотлар шаффоф равишда бутун республика бўйлаб акс эттирилиб турилади. Яъни, объектнинг қурилишига доир экспертларнинг эътирози, маблағнинг бесамар ишлатилгани ҳақидаги камчилик ва муаммолар, йўл қўйилган хатолар борасидаги фикрлар тармоқда ўз ифодасини топади.



Жорий йил якунига қадар экспертиза ҳужжатлари ҳам электрон, ҳам қоғоз шаклида қабул қилинади. 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳужжатларни экспертизага топшириш фақатгина электрон кўринишда амалга оширилади.

**Ўз мухбиримиз.**

---

**ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!**

# КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ
## ёхуд сохта тадбиркор

**Қурувчиларни ҳар қанча улуғласак, уларнинг заҳматли ва беминнат меҳнатларига қанча кўп миннатдорчилик билдирсак, камлик қилади. Зеро, уларнинг куну тун, қишнинг қирчиллама совуғи ва ёзнинг жазирама иссиғига қарамасдан фидойилик билан қилаётган меҳнатлари туфайли сизу биз замонавий турар жойларда яшаяпмиз, йилдан-йилга янги-янги, қулай ва шинам корхоналарга эга бўляпмиз. Фарзандларимиз эса ҳар томонлама талаб даражасидаги мактабларда, олий ўқув юртларида мана шу бунёдкорларнинг қадоқ қўлларидан сайқал топган биноларда таҳсил олишмоқда.**

Мазкур соҳа ижодкорларига батафсил таъриф бераётганимиз бежизга эмас. Ушбу касб ҳам бошқалар сингари, энг аввало, масъулиятни, касбнинг сир-синоатини мукаммал билиши баробарида, бажараётган ишига виждонини тикишни талаб этади. Афсуски, буни эплаш ҳар кимга ҳам хос эмас.

Наманган шаҳрида туғилган, ёши элликни қоралаб қолган бўлса-да, шу пайтгача бирор ҳунарни эгалламаган Нодир Гуллимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ана шундайлардан бири экан. Бекорчиликда уйда ётаверишдан зерикиб кетган, боз устига, турмушдоши «рўзғорга ҳеч вақо йўқ», деб жаврайверишидан уйда ҳаловати йўқ. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, дейишлари жонига текканидан сўрида ёнбошлаб, нима қилсам экан, дея ўйлаб турганида бирданига хаёлига келган фикрдан ҳушёр тортади.

– Ҳозир шаҳардагилар қаторида қишлоқларда ҳам қурилиш ишлари қизғин бормоқда. Бир кўрайчи, балки ана шу жойлардагилардан бирортасини режалаштирган қармоғимга илинтирарман, – дея Наманган туманига йўл олади.

Бу ерда анча вақтдан буён кўришмаган танишини учратиб, ҳол-аҳвол сўрашишгач, айни пайтда шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирида ишлаётганини, томнинг устига ёпиладиган бир нечта плиталари борлиги, уларни нақд пулга сотиш учун зарурманд кишини қидираётганини айтади. Танишидан бирор жўяли фикр чиқмагач, шу атрофдаги чойхонага кириб, чойхўрлик қилиб ўтирганларни кузатади. Сўрилардан бирида ёлғиз ўзи ҳардамхаёл бўлиб, чой ичаётган киши эътиборини тортади.

– Ёнингизда ўтирсам бўладими, – деб у ўтирган сўрига жойлашиб нотаниш кишини суҳбатга тортади. – Эътибор берсам, жуда хомуш кўринасиз, қандайдир муаммоингиз борга ўхшайди, одам-одамнинг тафтини олади, айтинг, қўлимдан келса, ёрдам берайин.

– Нимасини айтай? – деди ўзини Олимжон деб таништираркан ҳалиги киши. – Анча вақт бўлди, иморат бошлаганимга. Қурилиш ишлари осон эмас экан, зарур материалларни қидириб, бири топилса, бошқасига етишиб бўлмаяпти. Ана шунга бироз бошим қотиб турибди.

– Сизни тушинаман, «шап-шап» дегани билан шафтоли пишавермайди, қолаверса, қурилиш осон иш эмас. Мен ҳам қурувчиман, катта қурилиш ташкилотларидан бирида ишлайман. Мабодо, янги иморатингизни бетон плита билан ёпмоқчи бўлсангиз, уйимда ўн саккиз донасини келтириб қўйибман, нархини келишолсак, ўн кун оралиғида ўзим олиб келиб жойига жойлаштириб бераман, қурувчиларим бор, ишчи кучи ҳам менинг ҳисобимдан бўлади, – деди режадаги иши ёғлиққина пишишидан умидвор бўлиб.

Олимжон айнан бетон плита харид қилиш масаласида айрим муаммоларга дуч келаётган эди. Шу сабабли ўз оёғи билан келиб қолган, ҳали чуқурроқ танишиб улгурмаган одамнинг ёлғон сўзларига лаққа ишонади. Шундан сўнг уларнинг суҳбатлари қизиб, гап орасида ўн саккиз дона плитанинг ҳар бирини 500 минг сўмданга келишишгач, 10 миллион сўмни санаб, Нодирнинг қўлига топширади.

Қабих ниятда тузган режаси иш берганидан ва яқин йиллар оралиғида қўлига бундай катта пулни ушламаган Нодир, «Содда одамлар бор бўлса, ҳеч нарсага зориқмайсан», дея пулни ҳамёнга ургач, Наманган шаҳрига келиб ўзига ўхшаган бекорчилар билан бир неча кун айшишрат қилиб юради. Бир куни қарасаки ҳаром йўл билан топган ўша ўн миллион сўм тугай, деб қолибди.



Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас экан.

– Энди яна «ишга» киришмасам бўлмайди, акс ҳолда, чўнтакларим пулсиз қоладиганга ўхшайди, – деб ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириш мақсадида Наманган туманидаги Тошбулоқ маҳалласига боради. Маҳаллани эринмасдан айланиб чиққач, катта йўл бўйида бунёд этилаётган қурилиш мажмуасини кўз остига олади ва одамлардан унинг эгаси кимлигини суриштириб билади. Орадан икки кун ўтказиб қайтиб келади. Савдо мажмуасининг эгаси Маъмуржон билан танишиб, 30 дона 4,7 м-1,2 м ҳажмдаги панель, яъни бетон плиталари борлигини, пул зарур бўлгани учун ҳаммасини кўтарасига сотмоқчилигини айтади ва уларнинг ҳар бирини беш юз минг сўмдан нархлаб, ўн кун оралиғида олиб келишини ваъда қилиб, тадбиркордан 15 миллион сўмни санаб олади.

Шу ўринда бир мулоҳаза, кейинги пайтларда, республикамизнинг айрим жойларида фирибгарлик жинояти билан боғлиқ жиноий воқеалар содир этилаётгани тўғрисида оммавий ахборот воситалари хабар бериб турибди. Улар қилмишига яраша амалдаги қонунларимиз олдида жавоб беришяпти. Аммо мазкур иллатнинг илдиз отишига ким сабабчи, деган ҳақли савол ҳам йўқ эмас. Мустақиллик йилларида инсон омили устувор йўналишга олиб чиқилди. Бугун жамиятимиздаги қайси бўғинга назар солмайлик, уларнинг барчаси қонунлар билан мустаҳкамланган ва бари фуқароларимизнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Гап шундаки, таянч ва суянчимиз бўлган ҳаётбахш қонунларимизни билмаганимиз ёки уларга амал қилмаганимизнинг оқибати куни келиб, ўзимизга қимматга тушмоқда. Бундан фойдаланган жиноятчи эса қўрқмасдан, ҳеч иккиланмай ўз фаолиятини давом эттиряпти.

Содда одамларни фирибгарлик йўли билан чув туширишни касб қилиб олган Нодир текин бўлса, типратиканни ҳам тескари ютадиганлар хилидан бўлиб чиқди. У ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Юқорида келтирган мисоллардан ташқари бир йил давомида Наманган туманидаги Нуртепа маҳалласида яшовчи Б. Ҳусановнинг 10 миллион, Паст Қиёт маҳалласида истиқомат қилаётган З. Даврововнинг 15 миллион, Навқирон маҳалласида истиқомат қилувчи Б. Маҳкамовнинг 25 миллион, шунингдек, яна бир қанча кишиларни алдаб, 80 миллион сўмдан ортиқ пулларни фирибгарлик йўли билан ўзлаштиради.

Аммо ҳар қандай ноқонуний фаолият эртами-кеч, барибир юзага чиқади. Нодир ҳам «танлаган йўлим орқали бир умр яшайман», деб ўйлаганини қўлларига занжирли билакузук тақилгандагина англаб етган бўлса, ажаб эмас. Текин пул топишнинг ҳадисини олган фирибгар ўша куни ҳам Наманган туманидаги маҳаллалардан бирига бориб, иморат қураётган кишидан ўн миллион сўмни олаётган пайтда вилоят ДХХ ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай жиноятга ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидин барҳам бериляпти. Бироқ биз-чи, жиноятларга қарши курашда фуқаролик бурчимизни бажаряпмизми? Маҳалламизда кимлар яшайди, ҳозирги кунда қандай иш билан машғул, афсуски, билмаймиз, қизиқмаймиз. Бепарволигимиз, «менга нима, ўзим тинч, олам тинч» қабилида иш тутаётганимиз туфайли Нодир каби кимсалар бемалол «ўз иши»ни «уддалашмоқда».

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди Нодирнинг фаолияти юзасидан ҳукм чиқарди. Суд залида ўтирганлар унга нафрат билан боқишмоқда, у эса, ерга қарайди. Эсиз умр, эсиз тинч-тотувда яшаган йиллари, энди умрининг бир муддати тиканли симлар ортида ўтади.

**Элёрбек ОТАЛИҚОВ,**
**Наманган тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси, капитан.**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдусами Ҳақбердиев
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таникулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-953.
2136 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 02.00. Топширилди – 02.15.

1 2 3 4 5 6